

Тошкент ислом институтида «Ҳилол-нашр» нашриётининг китоблари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда



17:49 / 28.05.2021 1566

Бугун 2021 йил 28 май куни Тошкент ислом институти Ахборот-ресурс маркази ва «Ҳилол-нашр» нашриёт-матбааси билан ҳамкорликда «Китобхонлик куни» шиори остида китоб кўргазма-савдоси ташкил этилди.

Бугун мазкур кўргазма-савдода китобхонларга «Ҳилол-нашр» нашриёт томонидан чоп этилган 155 дан ортиқ номдаги диний-маърифий адабиётлар, фикҳ, ақоид, тафсир, ҳадис фанига оид ўқув дарсликлар, бадий, илмий-оммабоп нашрлар, араб, инглиз, рус ва ўзбек тилидаги луғатлар, шеърий тўпламлар ҳамда АРМга келган янги китоблар тўпламлари намойиши бўлиб ўтмоқда.



Мана шундай китоб кўргазмаларининг ўтказилиши ёшларнинг китоб ўқишга бўлган иштиёқини янада оширади. Шунингдек, келгусида ўқув даргоҳларида ҳафтанинг ҳар сешанба кунини «Китобхонлик куни» деб амалиётга тадбиқ этиб ва бу тадбирни анъана тарзида изчил давом эттириш мақсад қилинди.

